O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 152 (9.496) 2000 йил 27 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Она ва бола» Давлат дастури йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ва Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида кадрлар тайёрлашнинг ҳолати тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Шунингдек Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари ва Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилишининг олдини олишга қаратилган қонунларнинг Навоий вилоятида ижро этилиши ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳолати, ўзаро ҳисоб-китоблар, шунингдек, республика вазирликлари ва идораларининг иш ҳақи бўйича қарзларига оид масалалар кўриб чиқилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида «Ўзбекистон фани XXI аср бўсағасида» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

◆ Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Камолот» жамғармаси, Бадиий академия, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида «Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида ижодкор ёшлар кўргазмаси ташкил этилди.

◆ Темурийлар тарихи давлат музейида ИИВ академияси билан ҳамкорликда ўтказилган галдаги илмий-амалий анжуман «Амир Темур ҳарбий санъати» мавзуига бағишланди.

◆ Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизнинг марказий газеталари бош муҳаррирлари ҳамда шарҳловчилари иштирокида ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

◆ Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

◆ Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Мустақиллик моҳияти» рисоласи нашр этилди.

◆ Ҳамза туманидаги 153-ўрта мактабда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ўқитувчилар ҳамда ота-оналар билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Ёш томошабинлар театрида «Фунтикнинг саргузаштлари» номли янги спектакль кўриги бўлди.

◆ «Олам аёллар нигоҳида» бадиий альбоми чоп этилди. Мазкур нашр Очиқ Жамият институти – Ален Делетроз жамғармасининг молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилди.

◆ Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида самбо бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди. Умумий натижалар бўйича Самарқанд ва Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, жиззахликлар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

### ЖАҲОНДА

◆ Ҳиндистон ҳукумати қўшни Покистон билан Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси доирасида ўзаро алоқаларни тиклашга қарор қилди.

◆ **Кеча** Россия Федерацияси Мудофаа вазири И. Сергеев Эронга расмий ташриф билан келди. **Бугун** у мамлакат Президенти М. Ҳотамий ва бошқа расмий кишилар билан учрашиб, ҳарбий ҳамкорлик масалалари юзасидан музокаралар олиб боради.

◆ АҚШ – Европа Иттифоқи саммитида иштирок этган АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий Вашингтон билан ЕИ ўртасида айрим масалаларда қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса-да, ўзаро ҳамкорлик ҳолатини ижобий баҳолади.

◆ Вьетнам Президенти Чан Дик Лионг беш кунлик расмий ташриф билан Хитойга келди. Ушбу ташриф янги асрда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги дастлабки қадамдир.

◆ Сербияда ўтказилган парламент сайловида Президент Коштуница бошчилигидаги демократлар партияси ғалаба қозонди. Дастлабки натижаларга қараганда демократлар сайловчиларнинг 65 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

◆ Бразилиянинг Бокаюва ду Сул шаҳри мэри сигарета савдосини тақиқлаб қўйди. Гарчи ҳуқуқшунослар бу ҳаракат қонунларга хилоф эканлигини таъкидлаётган бўлсалар-да, кўпчиликнинг бевақт ўлимига айнан чекиш сабаб бўлаяпти, деган хулосадаги Элсио Берти ўз қарорининг бажарилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқда.

◆ Москванинг «Новая опера» театрида Россия кинотанқидчилари ва киноматбуотчиларининг умумий соврини соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** жангарилар Грозний яқинида жойлашган нефть қудуғини портлатиб юборишди. Шунингдек, Янги Грознийдаги газ қувурларига ҳам шикаст етказилди.

◆ Дунё теннисчиларининг аср ниҳоясида сўнгги бор эркаклар ва аёллар ўртасидаги жаҳон рейтинги эълон қилинди.

---

**Ширинликлар болажонларимизнинг жону дили. Айниқса, байрамга улар учун совға ҳозирлар эканмиз, турли қандолат маҳсулотлари олишни ҳам унутмаймиз.**

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Туфин» қўшма корхонасининг 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси ана шу боис ҳам Янги йил байрами арафасида ўзгача ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Корхона тадбиркорлари томонидан 100 хилдан ортиқ сифатли ва мазали қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳозирда корхонанинг 4 та цехида иш қизғин. Байрам дастурхонига хилма-хил ширинликлар ҳамда болажонлар учун 400 мингтадан ортиқ янги йил совғалари тайёрланди.

— Жорий йилда юртимизда мевалар мўл бўлганлиги, — дейди корхона раҳбари Эркин Мусаев, — бизга ниҳоятда қўл келди. Ана шу ёз неъматларидан фойдаланган ҳолда янги маҳсулот турларини яратдик. Шуниси қувонарлики, биз ўз маҳсулотларимизни Исроил ҳамда Жанубий Корея давлатларига ҳам экспорт қилмоқдамиз. Келгуси йилда эса экспорт ҳажмини орттириш, хорижлик харидорлар сафини кўпайтириш ниятидамиз.

**Дилдора ҒАНИЕВА.**

---

*Янги йил нафаси*

## ОНА ВАТАН ИЛҲОМЛАРИ

**Шаҳримизда янги асрга қадам қўйиш арафасида болажонларимиз учун хилма-хил байрам тадбирлари, кўргазмалар, танловлар ташкил этилмоқда. Хусусан, ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида Навоий номли Давлат академик Катта театрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида болалар ишлаган расмларнинг кўргазмаси очилди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика болалар ижодиёти марказининг ташаббуси билан ва Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳомийлиги остида, АҚШ, Голландия ва Япониядаги халқаро фестиваль ҳамда кўргазмалар совриндори «Камалак» тасвирий санъат студияси кўмагида ташкил этилган ушбу кўргазмада шаҳар тадбиркорларининг фарзандлари ҳамда «Камалак» студияси аъзоларининг юзга яқин мўйқаламда ишланган сара расмлари намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада шаҳримизнинг барча туманларида истиқомат қилувчи иқтидорли болалар ўз ижод намуналари билан қатнашмоқдалар, — деди биз билан суҳбатда шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Зиёдулла Худойбердиев. — Ушбу тадбирни уюштиришдан мақсад ҳам болаларда Она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

Дарҳақиқат, кўргазмадан ўрин олган ижод намуналарига назар ташлар эканмиз, мурғак қалблар соҳибларининг ишлари мусаффолик, софлик, эзгуликка интилиш руҳида йўғрилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Унда ҳатто олти ёшли болажонлар ҳам нафис расмлари билан иштирок этмоқдалар.

**Дамир ИСАЕВ.**

---

*Тадқиқот*

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИГА МУҲИМ ҲИССА

**Қобиғи нуқсонли пиллаларни қайта ишлаш ўзига хос технологияни талаб қилади. Ана шу муаммони илмий ҳамда амалий ҳал этиш устида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ипак технологияси кафедрасида жиддий изланишлар олиб борилди.**

Кафедра доценти Идгай Бурнашев ўтказган тажрибалар ва амалга оширган тадқиқотлар ҳам кутилган натижани берди. Унинг кўп йиллик самарали изланиши туфайли Қобиғи нуқсонли пиллаларни қайта ишлаш технологиясининг асослари яратилди.

Олим мазкур изланишлар бўйича диссертацияни ёқлаб, яқинда техника фанлари доктори деган илмий даражани қўлга киритди.

Кафедранинг лаборатория мудири Насиба Рихсиева ҳам «Нуқсонли пиллалар хусусиятларини ўрганиш ва уларни чувишга тайёрлашни такомиллаштириш» деган мавзудаги номзодлик илмий диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

**Анвар ВАЛИЕВ.**

---

## МЕҲР-ОҚИБАТ, ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ — РАМАЗОН ҲАЙИТИ ҲАММАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!



Ҳа, эртага бутун ислом оламида бўлгани каби бизнинг юртимизда ҳам катта байрам – янгиланиш ва енгиллашиш айёми. Истиқлол шарофати ила барчамиз шундай улуғ айёмни зўр шодиёналик билан байрам қиламиз. У яна буниси билан шукуҳлики, бир ой рўзадан кейин – жисмонан ва руҳан енгил тортиб, Рамазони шарифнинг ўттиз кунлик рўзасини баркамол адо этиб, муборак Ийдул Фитр – Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айлашини Тангри таолодан сўраб турибмиз.

Рамазон ҳайити кунларида барчамиз бир-биримизни муборакбод этиб, табаррук отахон-онахонларни, қариндош-уруғларни бориб кўриш, ёр-биродарларни зиёрат қилиш, яқин кишиларимиз, мискин ва беморларнинг ҳолидан хабар олишдек, бу дунёдан кўз юмганларни хотирлашдек ажойиб удумларни бажаришга одатланганмиз. Иншооллоҳ, эртаги Рамазон байрами – Ҳайит кунида ҳам шундай бўлади, ҳаммамиз Янги йил, Янги аср, учинчи минг йиллик остонасида бошланаётган бу қутлуғ айёмни чин маънодаги меҳр-оқибат, шукроналик байрамига айлантириш учун, бундай улуғ кунларга соғ-саломат, эсон-омонлик билан етиб келганимиз учун Яратган Парвардигорга ҳамду санолар айтиб, ундан юртимизнинг янада гуллаб-яшнашини, барчамизга фаровон ҳаёт, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, мустақиллигимиз пойдевори янада мустаҳкам бўлишини сўраб қоламиз.

**● Рамазон байрами – Ҳайит айёми ҳақидаги, бизда инсон хотираси азиз эканлиги ҳақидаги мақолаларни газетанинг 3-бетида ўқийсиз.**

---

## XXI аср остонасида

## ДИЛ ИЗҲОРИ

**Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон халқ артисти:**

— XX асрда ўзбек миллий театри жаҳон театр санъати ривожига баракали ҳисса қўшди ва ўз ўрни, мавқеига эга бўлди. Жаҳон театр жамоатчилиги тан олган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Лутфихоним Саримсоқова, Аброр Ҳидоятов, Сорахоним Эшонтўраева, Муҳиддин Қориёқубов, Шукур Бурхонов, Тамарахоним, Миршоҳид Мироқилов, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Ҳалима Носирова каби санъаткорларни бизга йигирманчи аср берди ва улар ўзларининг бетакрор ижодлари билан миллий театримиз нуфузини баланд кўтардилар.

Йигирманчи асрнинг яна бир муҳим воқеаси Халқаро театр куни арафасида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан имзо чекилган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармон бўлиб, ушбу ҳужжат ўзбек миллий театр санъатининг XXI асрдаги истиқболини белгилаб берди дейишга ҳақлимиз.

Ўзининг теран томирлари ва шонли ўтмишига эга бўлган ўзбек миллий театр санъати бугун ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган даврини бошидан кечирмоқда.

Йигирма биринчи аср миллий театр санъатимизнинг обрў-эътиборини, шуҳратини дунёга ёядиган ўзининг Уйғурлари, Аброр, Сорахон, Шукур Бурхонларию, Наби Раҳимларни беришига имоним комил. Йигирма биринчи асрда ўзбек миллий театри халқимиз маънавий ҳаётининг энг ажралмас қисми бўлиб қолсин иншооллоҳ. Зеро мустақил мамлакатимиз театр санъати эртанги кунга ишонч билан қарамоқда ҳамда жаҳон театрлари билан ҳамкорликда унинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида XXI асрга дадил ижодий қадамлар билан кириб бормоқда. Бу қадамлар сермаҳсул, хайрли ва файзли бўлишини бир ижодкор сифатида чин дилдан истаб қоламан.

**Мавлуда ИСМАТОВА,**
**Юнусобод туманидаги 273-мактаб лицейнинг директори, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Биз ҳозир учинчи минг йиллик бўсағасида турибмиз. Бугунги эзгу ниятимиз юртимиз тинч бўлсин, мамлакатимиз янада гуллаб-яшнасин, халқимизнинг ризқу рўзи бутун бўлсин. Янги йилга пок ва ёруғ ният билан қадам қўйиш, бу — бор куч ва имкониятларимизни муҳим устувор йўналишлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга қаратилиши демакдир.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган янги асрда тараққиётни, инсониятнинг қай йўлдан боришини ана шу комил инсонлар белгилайди. Чунки XXI аср интеллектуал авлод асри, янги минг йилликда халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий ва маърифий бойлик ҳал қилади. Мана, янги асрнинг биринчи йили Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Бу халқимизни янада руҳлантириб юборди. Муҳтарам Президентимиз оилани ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар ва мунис онахонларимиз деганлар.

Мен кириб келаётган янги аср, янги йил билан халқимизни қизғин муборакбод этаман, барча эзгу ниятлари амалга ошишини, омад ва бахт доимо йўлдош бўлишини истайман.

**Алишер МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми:**

— XXI аср остонасида ҳар бир инсоннинг қалбида эзгу мақсадлар, орзу-ўйлар кечади, албатта. Мен ҳам бир ижодкор сифатида айни дамларда янги асрда халқимизнинг турмуш маданияти, маънавияти янада юксалишини, интеллектуал даражаси ошишини истардим. Айниқса, ёшларимизнинг кенг дунёқарашли бўлишларини, улар тарихимизнинг ўткир билимдони, атроф-муҳитда бўлаётган жараёнларга теран баҳо бера оладиган, ўзининг овозига, ўзининг мустақил фикрига эга ёшлар бўлишларини орзу қиламан. Глобал жараёнлар ҳамда санъатда бўлиб ўтган инқилобий ўзгаришлар XX асрда ёрқин ифода этганидай, XXI аср бошланиши ҳам катта ютуқлар билан боғланишини хоҳлардим. Ўзим, насиб этса янги асрнинг биринчи йилидаёқ катта ижодий лойиҳа билан чиқиш ниятидаман.

---

*2001 — Оналар ва болалар йили*

## ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган шифобахш даргоҳларни кўплаб бунёд этиш, уларда Ватанимиздаги ҳамда халқаро ижобий тажрибаларни энг илғор муолажалар сифатида қўллаш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.**

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Она ва бола» ҳудудлараро марказда ҳам тиббий хизмат кўрсатиш давр талаблари бўйича ташкил этилмоқда. 500 ўринга эга бўлган бу даргоҳда она ва болалар муолажасини бирга олиб бориш имкониятлари мавжуд.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти клиникаси ҳам Европа андозалари талаблари асосида муолажалар олиб бормоқда. Худди шундай ижобий ҳолни биз республика педиатрия институти шифохонасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентдаги 3-туғруқхона мажмуаси, учинчи аёллар маслаҳатгоҳи ҳам энг замонавий тиббий асбоблар билан таъминланган.

— Янги 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси Анвар Солиҳов. — Вазирлик тизимидаги қатор тиббий муассасаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари оналар ва болалар муолажалари билан шуғулланувчи янги шифобахш марказларни очиш имконини беради. Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институти ҳузурида фаолият кўрсатадиган тиббий марказ биноси қурилиши тугалланай деб қолди.

Шаҳримизда аёллар тиббий марказини очиш тараддуди кўрилмоқда. Бу янги шифо даргоҳи «Она ва бола» марказий касалхонаси негизида иш олиб боради.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа саъй-ҳаракатлари учун Ўзбекистон Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг юбилей нишони билан тақдирланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

